



ISSN 2181-2551
E-ISSN 2181-256X

"IQTISODIYOT VA TURIZM"
xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

«ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ»
международный научно- инновационной журнал

"ECONOMICS AND TOURISM"
international scientific and innovative journal

№2(2) 2021



Jurnal haqida

"Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

"Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy-innovatsion jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar falsafa doktorligi (PhD), fan doktorligi (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida "Oliy attestatsiya komissiyasi to'g'risidagi Nizom" talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo'yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

«Экономика и туризм» международный научно- инновационной журнал

Основные требования к научным статьям, представляемым в международный научно-инновационной журнал «Экономика и туризм» являются научные публикации, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), докторских (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, в том числе из шаблонов в системе требований к электронным научно-техническим журналам.

About the magazine

"Economics and Tourism" international scientific and innovative journal

The main requirements for scientific articles submitted to the international scientific and innovative journal "Economics and Tourism" are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), doctoral (DSc) dissertations in accordance with international standards and the "Regulation on the Higher Attestation Commission" Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.

TAHRIRIYAT KENGASHI



Tahririyat Kengashi raisi

Navruz-Zoda Bakhtiyor Negmatovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari

Khamraev Khalim Razikovich

Bukhara State University Docent Doctor of economical sciences

Bosh muharrir

Khidirova Gavkhar Rustamovna

Bukhara State University Docent Doctor of philosophy (PhD) Economical sciences

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Khamidov Obidjon Khafizovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Akhmedov Tursun Mukhitovich

Institute of forecasting and macroeconomic researcher (IFMR) Deputy director professor, Doctor of Economic Sciences (DSc)

Yuldashev Shuxrat Ganievich

National university of Uzbekistan professor Doctor of economic science

Pardaev Mamayunus Karshibaevich

Samarkand Institute of Economics and Service Professor Doctor of economics

Djavlonbek Kadirov

Place of work: Victoria University of Wellington PhD in Marketing

Khazhimov Pazliddin Zukurovich

National university of Uzbekistan Docent Doctor of philosophy (PhD) of Economic sciences

Abdullaev Ilyos Sultanovich

Urgench State University professor Doctor of economic sciences

Alimova Mashhura Toirxonovna

Samarkand Institute of Economics and Service Professor of the Department of Management DSc in Economics

Kakhkhorov Otabek Siddikovich

Bukhara State University Vice-rector on scientific researches and innovation Doctor of Economical sciences (DSc)

Juraev Abror Turobovich

Bukhara State University Vice-rector for International Cooperation Candidate of economic sciences

Ibragimov Nutfillo Salimovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Yavmutov Dilshod Shoyimardonkulovich

Bukhara State University Docent Doctor of philosophy (PhD) Economical sciences

Tadjieva Sayyorakhon Uralovna

Bukhara State University Head of the Department Candidate of economic sciences

Mas'ul muharrir: Gavhar Xidirova

Veb-administratorlar: Erkin Farmonov



MUNDARIJA

Ивлиева О.В. Информационная обеспеченность разделов «туризм» на туристских сайтах субъектов Северного Кавказа	5
Муталиева Л.М., Рахманов С.У. Стратегические и тактические проблемы развития кадровой политики в отельном бизнесе Казахстана	13
Хашимов П.З., Фахриддинова З.Ф. Рақамли иқтисодий ва ривожлантириш омиллари .	19
Hamroev H.R. “Islom ilmi va madaniyati markazi” ziyorat brendi Buxoro turistik destinatsiyasini shakllantirish vositasi.....	28
Д.Ш.Явмутов. Проблемы эффективного использования орошаемых земель Бухарского вилоята и пути их улучшения.....	36
Ибрагимов Н.С. 7М кўламда рақобатбардош экскурсия хизматларининг илмий асослари	42
Хидирова Г.Р. Минтақада ички туризмни ривожлантиришнинг концептуал асослари...	51
Xalimova N. J. Ijtimoiy mediani shakllantiruvchi funksional bloklar va ularning virtual dunyoda qo'llanilishi	67
Dzhuraeva Z.T., Rajabova M.A. Convenience and advantages of outsourcing in the regional market of tourist services.....	73
Рахимова С.М. Пандемия шароитида Ўзбекистонда тиббий хизматлар бозорини такомиллаштиришнинг айрим масалалари таҳлили	81
Axmatova M.E. Turizm va transport xizmatlarining bir-biri bilan uzviy bog'liqligi	86
“Iqtisodiyot va turizm” jurnali uchun maqolalarni rasmiylashtirish talablari.....	92

УДК: 338.482

Ибрагимов Нутфилло Салимович

Доцент, и.ф.н.

Бухоро давлат университети

7М КЎЛАМДА РАҚОБАТБАРДОШ ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация:

Кириш. Мақолада рақобатбардош экскурсия хизматлари рақобатининг функционал, турдош ва ишлаб чиқарувчилараро шакллари нуқтаи назаридан тизимли таҳлил усулида илмий асосланган бўлиб, 7М даражадаги гидларнинг фаолият кўлами, юридик мақоми ва уларга қўйилган малака талаблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методлари. Мақолада монографик усулда экскурсия хизматларининг рақобатбардошлиги таҳлил қилган, тизимли таҳлил усулидан фойдаланиб, экскурсия хизматларини 7М концепциясини қўллаш орқали моно, мини, микро, мезо, мета, макро ва мега даражадаги фаолият кўлами, юридик мақоми ва уларга қўйилган малака талаблари ишлаб чиқилган.

Натижалар ва мунозара. Экскурсия – услубий жиҳатдан пухта ўйланган, диққатга сазовор жойлар, тарихий ва маданий ёдгорликларни намойиш ҳамда экскурсантларнинг кўз олдидаги объектларга оид воқеаларни қизиқарли шаклда ҳикоя қилиш хизматидир. Экскурсия етакчиси -мутахассислар томонидан тайёрланган шахс бўлиб, маълум ҳудудларнинг тарихи, диққатга сазовор жойлари, маданияти ва замонавий ҳаёти билан таништиришга оид фаолият билан шуғулланади. Гид-таржимон – таржима қилиш ҳамда ҳудудларнинг тарихи, диққатга сазовор жойлари, маданияти ва замонавий ҳаёти билан таништиришга оид фаолият билан шуғулланадиган, хорижий тилни мукамал эгаллаган экскурсия етакчисидир.

Мақолада Ўзбекистонда 7М кўламда рақобатбардош экскурсия хизматларининг турдош, функционал ва ишлаб чиқарувчилараро шакллари аниқланиб, 1) битта диққатга сазовор жойга ихтисослашган ёшларни гидлик ҳунарига босқичма-босқич жалб қилиб, мутахассислар томонидан тайёрланган назорат матнлари асосида экскурсия хизматини етказишларига рухсат бериш; 2) бакалавр таълим босқичини яқунлаб, моно, мини ёки микро кўламда фаолият кўрсатаётган ёшларга малака сертификатини бериш; 3) барча малака сертификатига эга гидларга ҳунарманд мақомини бериб уларнинг фаолиятини тартибга солиш; 4) минтақавий ва миллий Гидлар уюшмаларини жорий қилиш орқали ўз-ўзини бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш; 5) ижтимоий медиа маркетинг воситаларига асосланган, гид хизматларини таклиф қилиш каналларини ҳамкорликда яратиш ва жорий этиш; 6) етказилган экскурсия хизматлари сифатининг мониторингини амалга ошириш каби ушбу хизматни етказишга қодир бўлган гидларни шакллантириш ҳамда хизмат сифатини баҳолашнинг 6 механизми ишлаб чиқилган.

Хулоса. Туризм мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳасига айланиш арафасида бўлиб, умумий рақобатбардошликни таъминлаш 7М кўламда рақобатбардош экскурсия хизматларини етказишга қодир, малакали, аниқ юридик

мақомга эга мутахассисларни шакллантириб, уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва фаолиятларини тартибга солиш механизмларини жорий этиш эвазига эришилади.

Калит сўзлар: туристик хизмат, рақобатбардошлик, турдош, функционал, ишлаб чиқарувчилараро рақобат, экскурсия хизмати, моно, мини, микро, мезо, мета, макро ва мега даражадаги фаолият кўлами, юридик мақом, малака талаб.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли **“Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонининг 1-бандида *“туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш”* [1] вазифаси белгиланган бўлиб, мамлакат доирасида туризмнинг рақобатбардошлигига эришишнинг муҳим шартларидан бири, сифатли экскурсия хизматларини жорий қилиш механизмларини илмий асослашдан иборат.

Туризм соҳаси олдида турган асосий вазифалардан бири сервисни такомиллаштириш, яъни туристларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдир. Туристга нисбатан доимий эътиборли бўлиш меҳмондўстлик соҳасининг муҳим жабҳаларидан биридир, чунки маълум жойга ташриф буюрувчи келмаса, хизмат кўрсатишга ҳожат қолмайди. Шундай экан, мамлакат доирасида туризм рақобатбардошлигига эришишда давлатнинг турли диққатга сазовор жойларига ташриф буюриш жараёнида тушунтириш ишларини олиб борадиган шахслар (экскурсия етакчилари, гид-таржимонлар, музей ходимлари ва бошқа)нинг малакасига ҳам боғлиқ.

Материаллар

Туризм рақобат назариялари, туризм соҳасини ривожлантиришда тизимли ёндашув, туризмда экскурсия хизматларининг ўрни каби масалалар хорижий олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган. Жумладан, V. Della Corte [2], U.Martini [3], M.Franc [4], M.Porter [5] кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида экскурсия хизматлари рақобатбардошлиги муаммосининг назарий ҳамда услубий жиҳатлари Б.Емильянов [6], В.С.Сенин [7], В.С.Боголюбов [8], В.П.Орловская [8], В.А.Квартальнов [9], Ю.Ф.Волков [10] каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлардан И.С.Тухлиев [11], Д.Х.Асланова [12], Б.Н.Навруз-Зода [13], Б.Х.Тураев [14], А.Норчаев [15], О.Х.Хамидов [16], М.Т.Алимова [17], Б.Ш.Сафаров [18], А.А.Эштаев [19], М.Т.Алиеваларнинг [20] тадқиқотлари туристик ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли масалалари ҳамда экскурсия хизматларининг назарий жиҳатларига бағишланган.

Методлар

Мақолада монографик усулда экскурсия хизматларининг рақобатбардошлиги таҳлил қилган, тизимли таҳлил усулидан фойдаланиб, экскурсия хизматларини 7М даражада амал қилиниши аниқланган, натижада моно, мини, микро, мезо, мета, макро ва мега даражадаги фаолият кўлами, юридик мақоми ва уларга қўйилган

малака талаблари тадқиқ этилган. Эмпирик кузатувлар асосида, Ўзбекистонда гидларни 7М кўламда шакллантириш механизмлари илмий асосланган.

Натижалар

Туризмда рақобатнинг ўзига хос хусусияти ҳамда унинг саноат ва қишлоқ хўжалигидан кескин фарқи шундан иборатки, рақобат бир вақтнинг ўзиде бир нечта ўзаро боғланган кўламларда, жумладан макро-, мезо- ва микрокўламларда кўриб чиқилиши ва таҳлил этилишини тақазо этади [13]. Мамлакатнинг (макро) туризм рақобатбардошлиги, пастдан юқорига қараб 7М (моно, мини, микро, мезо, мета, макро ва мега) кўламда туризм соҳасидаги ҳар бир бўғинни изчиллик билан такомиллаштириш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзаро ҳамкорликда рақобатлашиш принципларига асосланган уюшмалар шаклидаги бошқарув тизимини жорий қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш концепциясига хос тамойилларга асосланган ислохотларни амалга ошириш эвазига эришилади. Маҳсулот ва хизматлар бозори маркетинги нуқтаи назаридан гид хизматларини таклиф этишда рақобатнинг уч тури мавжуд:

1.Функционал рақобатда битта эҳтиёжни турли воситаларда қондириш мумкин. Масалан, экскурсия хизматида бўлган эҳтиёж гид хизмати, аудио гид хизмати ёки ёзма (рақамли ва қоғоз) манбалар орқали ташриф жойлари ҳақида маълумотга эга бўлиш.

2.Турдош рақобат битта эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган маълум параметр ёки хусусиятлари бўйича фарқланадиган маҳсулот ва хизматларнинг ўзаро рақобатлашувида намоён бўлади. Яъни, барча инглиз тилида гапирадиган гидлар ўзаро турдош рақобатда бўладилар.

3. Гид хизматини таклиф этувчи воситачилараро рақобат. Экскурсия хизматида буюртма бериш имкониятини берадиган турли воситалар, туроператорлар, экскурсион бюролар, гидларга буюртма бериш жамоавий ва шахсий сайтлари ёки меҳмонхона орқали буюртма бериш, ўзаро воситачилараро рақобатда бўладилар.

Экскурсия хизмати кейинги йилларда кескин ривожланиб бораётган хизмат турларидан бўлиб, уни экскурсияшунослик фани ўрганади. XX асрнинг 70-йилларига қадар профессионал экскурсия етакчилари фақат музейларда мавжуд бўлиб, илмий ходимлар ва санъатшунослардан таркиб топган. Айни кунга келиб экскурсияшунослик назарияси соҳага оид турли таълим муассасаларида кенг ўқитилиб келинмоқда. Экскурсияшунослик педагогикадан ўсиб чиққан бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларида умум таълим ўқув муассасалари ўқувчилари учун экскурсиялар ташкил этилган. Музей услубшунослари ва ходимлари, ўз ишларини илмий тадқиқотлар билан уйғунликда амалга оширганлар.

Экскурсия - танишиш ёки ўрганиш мақсадида аниқ белгиланган режа бўйича ўтказиладиган, мавзули ҳикоялар билан олиб бориладиган бирор объектни кўрсатиш жараёнидир. Ҳар бир экскурсиянинг мазмуни (хусусияти) ҳикоя қилиш, намойиш этиш, маълумот беришдан иборат. Агар намойиш этиш (таништириш) бўлмаса бундай маданий, илмий жараён экскурсия эмас, балки оддий маъруза ёки суҳбат ҳисобланади.

Б.Емильяновнинг фикрича, экскурсия – *услубий жиҳатдан пухта ўйланган, диққатга сазовор жойлар, тарихий ва маданий ёдгорликларни намойиш ҳамда экскурсантларнинг кўз олдидеги объектларга оид воқеаларни қизиқарли шаклда ҳикоя қилиш хизматидир* [6]. Экскурсия етакчиси — мутахассислар томонидан тайёрланган шахс бўлиб, маълум ҳудудларнинг тарихи, диққатга сазовор жойлари,

маданияти ва замонавий ҳаёти билан таништиришга оид фаолият билан шуғулланади. Гид-таржимон – таржима қилиш ҳамда худудларнинг тарихи, диққатга сазовор жойлари, маданияти ва замонавий ҳаёти билан таништиришга оид фаолият билан шуғулланадиган, хорижий тилни мукаммал эгаллаган экскурсия етакчисидир. Амалиётда экскурсия етакчиси ҳамда гид-таржимон иборалари ишлатилмасдан, **ГИД** сўзи кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунида, **экскурсия етакчиси** — туристлар ва экскурсиячи (бир кунлик сайёҳ)ларни муайян туристик ресурс билан таништириш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс [21], деб таъриф берилган.

Экскурсия етакчиларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги тасарруфидаги **Туризмни ривожлантириш институти** ҳамда унинг Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги минтақавий филиалларида амалга оширилади. Туризм ва спорт вазирлигининг маълумотларига кўра [22], *2020 йилнинг 1 январь ҳолатида Ўзбекистон Республикасида 1000 нафар гид фаолият кўрсатиб, улардан 400 нафари Тошкентда, 300 нафари Самарқандда, 200 нафари Бухорода, 85 нафари Хоразм вилоятида, 10 нафари Фарғона вилоятида ҳамда 5 киши Сурхондарёда истиқомат қилади.*

Туризм соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика марказининг маълумотларига қараганда [23], 10 йил ичида марказ томонидан 1900 нафар гид, 800 та туроператор ва меҳмонхона ходимлари тайёрланган, туристик фирмалар ва меҳмонхоналар учун 400 та семинар ҳамда Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш мавзусида 2 та илмий-амалий анжуман ташкил этилган. Бундан ташқари, туроператор, меҳмонхона хўжалиги ходимлари ҳамда экскурсия етакчиларини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон тарихий меъморий меросига оид услубий қўлланмалар яратилган.

Кейинги йилларда туризмнинг стратегик соҳа сифатида тан олинishi ҳамда уни жадал ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллангандан сўнг, туристлар сонининг кескин ўсиши прогноз қилинмоқда. Жумладан, Туризм ва спорт вазирлигининг маълумотларига қараганда, агар 2017 йилда 2,5 миллиондан ортиқ ташриф буюрувчига хизмат кўрсатилган бўлса, 2022 йилда Ўзбекистоннинг турли туризм худудларига 4 баравар кўп туристни жалб қилиш режалаштирилган. Албатта туристлар сонининг ўсиши хизмат кўрсатувчиларга бўлган эҳтиёжнинг 4 карра ошишига олиб келиб, Ўзбекистоннинг турли диққатга сазовор жойларига ташрифни сифатли ташкил қилиш малакасига эга гидларни шакллантиришни тақазо этмоқда. Шунинг учун, *экскурсия хизматини амалга оширувчи гидларнинг мақоми, фаолият кўлами, малака талаблари ва хизмат сифатини баҳолаш жараёнларини илмий асослаш зарурати мавжуд.*

Экскурсия хизматини баҳолаш уч субъект томонидан амалга оширилади [24]: 1) жорий стандартларга мослиги нуқтаи назаридан, 2) туризмни бошқариб назорат қилувчи органлар томонидан; туроператорлик ташкилоти томонидан, индивидуал матнни экспертизадан ўтказиш, экскурсияни ташкил этиш ва олиб бориш, яъни маълумотларни етказиш сифатини аниқлаб баҳолаш; 3) экскурсантларнинг хизматдан қониқиш ҳосил қилганлик даражасига кўра.

Айтиш жоизки, барча экскурсия хизматлари аниқ маълумот манбаларига таяниб, улар маданий ёки табиий объектга оид адабиётлар, расмлар, хариталар, реконструкциялар, архив ҳужжатлари ва бошқаларни қамраб олади. Айнан шу

манбалар асосида мутахассислар томонидан назорат матнлари яратилиб, экскурсия етакчилари уларга асосланган индивидуал матнларини шакллантирадilar. Яъни назорат матнлари гидлар томонидан берилган маълумотларнинг сифатини таъминлашни назарда тутиб ҳамда экскурсия хизматини баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Саёҳат давомида турли жойларга ташриф буюрилиб, ташриф маконига оид маълум маълумотга эга бўлиш эҳтиёжи туғилади. Масалан, заргарлик устахонасига ташриф буюрган турист айна ҳунармандчилик анъанаси, қимматбаҳо металл ва тошлар, ҳунармандга доир асосий ахборотларга эга бўлишга мойил бўлади. Демак, ҳунарманд ўз фаолиятига оид маълумотларни турли тилларда етказса, у бир маконга асосланган моно даражали гид мақомига эга бўлади. Худди шундай, Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилиш жараёнида фақат зиёратгоҳ ҳудудида фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга экскурсия етакчисини мисол келтириш мумкин. Яъни, фаолият кўламига кўра моно, мини, микро, мезо, мета, макро ва мега даражали гидлар мавжуд бўлиб, кўламга қараб улар турли юридик мақомга эга бўлади ва мос равишда малака талаби қўйилади. Ушбу назарий гипотеза, Ўзбекистондаги меъёрий-ҳуқуқий базага асосланиб, 1-жадвал орқали тизимлаштирилди.

7М даражадаги гидларнинг фаолият кўлами, юридик мақоми ва уларга қўйилган малака талабининг тизимли моделига асосланган ҳолда қуйидаги хулосалар қилинди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Фаолият кўламига кўра ҳунарманд дўконига (моно), ҳунармандлар оиласига (мини), ишлаб чиқариш корхонасига (микро), кўп тармоқли фермер хўжалигига (мини), битта диққатга сазовор жойга (моно), музейга (моно), шаҳарга (мезо), минтақага (мета), мамлакатга (макро) ва давлатлараро (мега) ташриф давомида борилган маконга оид маълумотларни меҳмонларга етказиш экскурсия хизмати бўлиб, 7М даражадаги гидлар томонидан амалга оширилади.

1-жадвал

7М даражадаги гидларнинг фаолият кўлами, юридик мақоми ва уларга қўйилган малака талаби¹

Даража	Фаолият кўлами	Мисол	Юридик мақоми	Малака талаби
Моно даражали гид	Ҳунарманд дўкони	Шахсий фаолияти билан таништириш	Якка тартибдаги тадбиркор ёки ҳунарманд уюшмаси аъзоси	Мажбурий таълимни ижобий яқунлаган шахс
Мини даражали гид	Ҳунарманд устахонаси	Кулол устахонаси фаолияти билан таништириш	Оилавий корхона аъзоси	Мажбурий таълимни ижобий яқунлаган шахс
Микро даражали гид	Корхона	Тикув цехи доирасида экскурсия	Масъулияти чекланган жамият ишчиси	Маълум мутахассисликка эга шахс

¹Муаллиф ишланмаси

Мезо даражали гид	Шаҳар	Бухоро шаҳри доирасида гид хизматини кўрсатиш	Якка тадбиркор ёки туроператорлик корхонаси ишчиси	Бакалавр дипломига эга 1-тоифали гид-таржимон
Мета даражали гид	Минтақа	Бухоро, Самарқанд шаҳарларида гид хизматини кўрсатиш	Якка тадбиркор ёки туроператорлик корхонаси ишчиси	Бакалавр дипломига эга 2-тоифали гид-таржимон
Макро даражали гид	Мамлакат	Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида гид хизматини кўрсатиш	Якка тадбиркор ёки туроператорлик корхонаси ишчиси	Бакалавр дипломига эга олий тоифали гид-таржимон
Мега даражали гид	Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар	Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон бўйлаб гид хизматини кўрсатиш	Якка тадбиркор ёки туроператорлик корхонаси ишчиси	Бакалавр дипломига эга Олий тоифали гид-таржимон ҳамда Буюк Ипак йўли давлатларига оид махсус курсларни ўқиган шахс

2. Гидлар ўз даражасига мос равишда якка тадбиркор, оилавий корхона аъзоси, масъулияти чекланган жамият ходими, туоператорлик ташкилоти ёки экскурсия бюроси ишчиси юридик мақомларига эга бўлади.

3. Гидларнинг фаолият кўламига кўра турли малака талаблари қўйилади. Яъни, ҳунарманд дўкони ёки битта диққатга сазовор жой (моно кўлам), оилавий корхона (мини кўлам), кўп тармоқли фермер хўжалиги (микро кўлам) фаолияти билан таништириш мақсадидаги экскурсия хизматини етказувчи гидлар махсус курсларга қатнашиб, гид малака сертификатига эга бўлиши шарт эмас.

4. Шаҳарга (мезо кўлам), минтақага (мета кўлам), мамлакатга (макро кўлам) ва давлатлараро (мега кўлам) саёҳат давомида диққатга сазовор жойларга оид умумий маълумотларни етказувчи гидлар - Туризмни ривожлантириш институти томонидан ташкил қилинган махсус курсларни тамомлаган, Биринчи, Иккинчи ёки Олий тоифали гид малака сертификатига эга, 2 йилда бир марта малака ошириш дарсларида қатнашган экскурсия етакчиларидир.

5. Экскурсия хизматининг сифати, жорий стандартларга мослиги нуқтаи назаридан, туризмни бошқариб назорат қилувчи органлар томонидан, индивидуал матнни экспертизадан ўтказиш эвазига туроператорлик ташкилоти томонидан, экскурсантларнинг хизматдан қониқиш ҳосил қилганлик даражасига кўра баҳоланади. Мамлакат доирасидаги туристик йўналишларга киритилган барча диққатга сазовор жойлар ҳақида тўлиқ маълумотларни қамраб олган каталогларни яратиб, экскурсия етакчилари айнан шу манбалар асосида ўз индивидуал

матнларини шакллантиришларини таъминлаш, юқори сифатли экскурсия хизматларини етказа олиш гаровидир.

Мунозара

Туристик хизмат кўрсатиш жараёни маҳсулот сифатида қуйидаги хусусиятларга эга: *номоддий; сезилмайдиган; заҳира қилиб бўлмайдиган; ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ажралмаслиги; сифатнинг ўзгарувчанлиги ҳамда аниқ бажарувчига боғлиқлиги*. Маҳсулотдан фарқли равишда, туристик хизмат кўрсатиш жараёнида у қандай сифатда ишлаб чиқарилган бўлса, шунақалигича истеъмол қилинади. Демак, мамлакатнинг саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги хизмат кўрсатувчи малакали ходимларни тайёрлаб, улар етказётган хизмат сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади.

Экскурсия хизматининг сифатини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш, мамлакат доирасида етказилаётган гидлик хизматларининг рақобатбардошлигини узлуксиз ошириш имкониятини яратади ҳамда сифат стандартларининг шаклланишига олиб келади. Шундай экан, 7М кўламда экскурсия хизматини кўрсатувчи мутахассисларнинг малакаси, юридик мақоми ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларига эътибор қаратилса, ушбу касбни танлайдиганлар сонининг ошишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда 7М кўламда рақобатбардош экскурсия хизматларини етказишга қодир бўлган гидларни шакллантириш ҳамда хизмат сифатини баҳолаш қуйидаги 6 механизм асосида амалга ошириш тавсия этилади:

1. Битта диққатга сазовор жойга ихтисослашиб (Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи), умум таълим мактабларини яхши баҳоларда яқунлаган ёшларни гидлик ҳунарига босқичма-босқич жалб қилиб, мутахассислар томонидан тайёрланган назорат матнлари асосида экскурсия хизматини етказишларига рухсат бериш;

2. Барча ихтисосликлардаги бакалавр таълим босқичини яқунлаб, моно, мини ёки микро кўламда фаолият кўрсатаётган ёшларга, гидларни тайёрлаш махсус курсларига жалб қилиш орқали, малака сертификатини бериш;

3. Барча малака сертификатига эга гидларга ҳунарманд мақомини бериб, шу категориядаги юридик шахсларга қўлланиладиган меъёрий-ҳуқуқий база доирасида уларнинг фаолиятини тартибга солиш;

4. Минтақавий ва миллий Гидлар уюшмаларини жорий қилиш орқали ўз-ўзини бошқарадиган ва тартибга соладиган, ушбу касб намояндаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

5. Маълум минтақа, шаҳар ёки ҳудудда саёҳатни мустақил уюштирган ташриф буюрувчилар билан гидларни боғловчи, ижтимоий медиа маркетинг воситаларига асосланган, гид хизматларини таклиф қилиш каналларини ҳамкорликда яратиш ва жорий этиш;

6. Экскурсантлар ва гидлар ўртасида тескари алоқани ўрнатувчи ахборот каналларини яратиш орқали етказилган экскурсия хизматлари сифатининг мониторингини амалга ошириш.

Туризм мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳаларига айланиш арафасида бўлиб, умумий рақобатбардошликка эришишда 7М кўламда рақобатбардош экскурсия хизматларини етказишга қодир, малакали, аниқ юридик мақомга эга мутахассисларни шакллантириб, уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва

фаолиятларини тартибга солиш механизмларини жорий этиш, яқин келажакда амалга оширилиши зарур вазифалардан бирига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда.

2. Valentina Della Corte, Mauro Scierelli, Destination management e logica sistemica: un confronto internazionale. G.Giapichelli Editore – Torino, 2012. 215 pp.

3. Martini, Umberto. Management dei sistemi territoriali: Gestione e marketing delle destinazioni Turistiche. Vol. 27. G Giapichelli Editore, 2015.

4. Franch, Mariangela, et al. «4L tourism (landscape, leisure, learning and limit): responding to new motivations and expectations of tourists to improve the competitiveness of Alpine destinations in a sustainable way» Tourism review 63.1 (2008): 4-14 pp.

5. Porter, Michael. The competitive advantage of nations, Macmillan: London. - 1990. 250 pp.

6. Емельянов Б.В. Экскурсоведение. Учебник / Б. В. Емельянов. - М.: Советский спорт, 2001. – С.15-37.

7. Сенин В.С. Организация международного туризма // М.: «Финансы и статистика» 2004, - 379 с.

8. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма // М.:2005. 151 с.

9. Квартальнов В.А. Туризм: //- М.: Финансы и статистика, - 2003. 320 с.

10. Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса // Изд. 2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, - 2005. 380 с.

11. Тухлиев И.С ва бошқалар. Туризм асослари //Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. 247 б.

12. Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. С.4-9;

13. Навруз-Зода Б.Н. таҳрири остида. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги // “Дурдона” нашриёти. Бухоро – 2017. 156 б.

14. Тураев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. Т.: изд. «Фан», 2008. – 166 с

15. Норчаев А.Н. Туризм инфратузилмасида кутилаётган ўзгаришлар ва имкониятлар. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 1, 2019 yil.

16. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар // Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2016. 203 б.

17. Alimova M.T., Model of Formation of A Unified Information Space in Tourism: On the Example of the Republic of Uzbekistan. Vol. 12 (2021): Academic Journal of Digital Economics and Stability (Spain).

18. Сафаров Б.Ш., Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // – Т.: Фан ва технология, 2016, 184 б.

19. Эштаев А.А. Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш истиқболлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil. 380-386.

20. Алиева М.Т. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. Монография. Тошкент.: Фан. 242.

21. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Туризм тўғрисида”, ҚҲММБ: 03/19/549/3446-сон 19.07.2019 й.

22. uzbektourism.uz [10.03.2021]

23. studytourism.uz [14.03.2021]

24. Маврина Н.С. Процесс формирования экскурсионной услуги // Культура народов Причерноморья. - 2009. - №161. - С.123-126.

Muassislar:
“Economic science” mas'uliyati cheklangan jamiyati
Buxoro davlat universiteti

**"IQTISODIYOT VA
TURIZM"
xalqaro ilmiy va innovatsion
jurnali**

2021-yil 2-son (2)

**2021-yildan
chiqa boshlagan.**

OBUNA INDEKSI: 200117

**Manzil: Buxoro shahri,
M.Iqbol ko'chasi, 11-uy, 2-bino,
403-xona.**

ilmiy va innovatsion nashri

Jurnal oliy o'quv yurtlarining professor-
o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy
xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik
litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab
o'qituvchilari, shuningdek, keng ommaga
mo'ljallangan.

Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli
maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar,
turli xabarlar chop etiladi.

**Nashr uchun mas'ul:
Gavhar XIDIROVA
Muharrir:
Halim HAMROYEV**

Jurnal tahririyat kompyuterida
sahifalandi. Chop etish sifati uchun
bosmaxona javobgar.

Bosishga ruxsat etildi 01.03.2022
Bosmaxonaga topshirish vaqti
07.03.2022

Qog'oz bichimi: 60x84. 1/8
Tezkor bosma usulda bosildi.
Shartli bosma tabog'i – 20,6
Adadi – 100 nusxa
Buyurtma № 330.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Buxoro shahri
M.Iqbol ko'chasi 11-uy.